

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ НАЗИРЖОН РАЗЗОҚОВИЧ

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Навоий ЭИЗ мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри– 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Ражабов Назиржон Раззоқович

Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш
(Навой ЭИЗ мисолида)..... 3

Ражабов Назиржон Раззоқович

Совершенствование управления привлекательностью инвестиционной
среды (на примере СЭЗ Навои)..... 25

Rajabov Nazirjon Razzoqovich

Improving the management of the investment climate attractiveness (on the
example of the Navoi FEZ) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ НАЗИРЖОН РАЗЗОҚОВИЧ

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Навоий ЭИЗ мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Инвестицион сиёсатни бошқариш жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини таъминловчи ва юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи драйвер сифатида муҳим аҳамият касб этади. «Жаҳонда 2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,54 триллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса-да, 2020 йил якунлари бўйича унинг ҳажми 40 фоизгача пасайган»¹. Бу тенденция мамлакатларнинг инвестицион салоҳияти заифлашуви билан боғлиқ бўлиб, айти пайтда уларда инвестицион фаолиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенгайтириш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қулай инвестицион муҳит яратишга эришилмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли молия муассасалари, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари сингари халқаро ташкилотлар томонидан инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳолаш ва самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш, эркин иқтисодий зоналарнинг иқтисодий-ҳуқуқий мақомини ошириш ва уларни оптимал жойлаштириш, инвесторлар учун қулай муҳит яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда инвестицион муҳит жозибadorлигини ҳисоблаш кўрсаткичлари ва уни баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш, инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқаришнинг зонал сиёсатини ишлаб чиқиш, инвесторлар фаолияти самарadorлигини таъминлашда «инвестицион мавқеи»ни шакллантириш каби устувор йўналишларда ҳам илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг инвестицион сиёсат изчиллигига ишончини мустаҳкамлаш ва давлат тузилмаларининг инвесторлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини бошқариш, баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда инвестицион фаолиятдаги таваккалчиликнинг юқорилиги, инвестицион муҳитни шакллантиришнинг минтақалар учун мослашувчан моделлари қўлланилмаслиги, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган лойиҳалар якунланмаслиги, потенциал ва истиқболли инвесторларнинг самарали фаолиятини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизминини ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш йўналиши сифатида «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни

¹ World Investment Report 2020. International Production Beyond the Pandemic. United Nations, Geneva, 2020.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1057 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим портали (www.ziyouet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Йўлдошев Нуриддин Қурбонovich**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Шарифходжаев Усмон Ульфатович
DSc

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.1.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «10» 08 куни соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-72; факс (99871)232-01-49; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1065 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-72; факс (99871)232-01-49; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» 07 куни тарқатилди.

(2021 йил «23» 07 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



М.П. Эшов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

Д.М. Мавлянова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д.

Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамизда инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сон «Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш муаммолари хорижий олимлардан Й.Шумпетер, Ф.Хаек, Ж.Б.Будвил, М.Портер, П.Кругман, М.Фужита, М.Муре, Х.Шмитц, К.Махн, Ли-Ю-Хонг, Жианг-Минг, Р.Жемес, П.Ёнгсанг² ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари, хусусан, О.А.Бияков, А.Г.Гранберг, Ю.А.Гаджиев, С.М.Дробишевский, В.К.Ломакин, Я.Д.Лисоволик, Г.Л.Азоев, Б.С.Жихаревич, Р.Фатхутдинов, Ю.В.Савельев, Е.А.Коломак, А.С.Новоселов, С.С.Артоболевский, Б.М.Гринчель³ ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.

² Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем.: – М.: Прогресс, 1982 г. – 455 с.; Hayek F.A. Individualism and Economic Order / F.A. Hayek. – Chicago: Univ. of Chicago Press, 1948; Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 886 с.; Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.; Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies, 2016 - p.22.; Mahn K.D. The Impact of Sustainable Investment Strategies // Institutional Investor Journal. 2016. Vol. 25, no. 2. P. 96-102.; Liu Yu-Hong, Jiang I-Ming. Optimal proportion decision-making for two stages investment- North American Journal of Economics and Finance 48(2019) 776-785, www.elsevier.com/locate/najef; James R. Hines Jr, Jongsang Park Investment ramifications of distortionary tax subsidies-Journal of Public Economics 172 (2019) 36–51, www.elsevier.com/locate/jpube.

³ Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала. Автореф. дис. Д.э.н. – Кемерово, 2005.-42с; Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований пространственного развития России. //Регион: экономика и социология, №2, 2009 г. 166-178; Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития. // Экономика региона, выпуск 2-й, 2009 г., с.45-62; Ломакин

бошқаларнинг асарларида инвестицион бошқарув назариялари, инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқариш жараёнидаги менежмент функциялари, давлатнинг самарали инвестицион муҳит яратиш жараёнларини бошқариш масалалари ўрганилган.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит ва инвестицион жозибаторликни оширишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари М.Абдусалямов, Қ.Абирқулов, Т.Ахмедов, Д.Ғозибеков, Ш.Мустафақулов, А.Қаюмов, А.Содиқов, А.Солиев, Н.Ҳайдаров, Н.Йўлдошев, Ф.Эгамбердиев¹ ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Бироқ мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг кўламига қарамай, инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқаришда ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари, эркин иқтисодий ва зонал ҳудудларни бошқаришнинг ташкилий-услубий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмаган. Бу эса инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқариш йўналишларини чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170928323-сон «Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инвестицион муҳит жозибаторлигининг (ИМЖ) моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонларини тадқиқ этиш, уни бошқаришнинг замонавий тенденцияларини ёритиш;

инвестицион муҳит жозибаторлигини бошқаришга оид илғор хорижий

В.К. Мировая экономика. Учебник. 4-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012 г. – 671 с.; Лисоволик Я.Д. Глобализация: от Великого шелкового пути до ВТО. // Российский журнал, 12 января 2007 г.; Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996 г. – 208 с.; Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах. – М.: Юрайт, 2014 г.; Фатхутдинов Р. Глобальная конкурентоспособность: монография. – М.: РИА Стандарты и качество, 2009 г. – 464 с.; Савельев Ю.В. Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике. – Петрозаводск: КарНЦ РАН, 2010 г. – 516с.; Гринчель Б.М. Повышение конкурентоспособности территорий как обобщающая задача стратегического планирования. – СПб., 2007 г. – 120 с.

¹ Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.; Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: ФАН, 1992 г.; Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибаторлиги. – Т., 2017; Қаюмов А.А. Некоторые аспекты управления в рыночной экономике. Материалы Республиканской Научно-практической конференции. – Москва, 1-2 февраля, 2014г.; Садыков А.М. Приоритетные направления повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана. Материалы IV-Форума экономистов Узбекистана. – Ташкент, 2012 г.; Солиев А.С. Иқтисодий география назария, методика ва амалиёт. Монография. – Т.: Камалак, 2013 й.; Эгамбердиев Ф.Т. Иқтисодиёт назарияси, Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2014 й.

тажрибани ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш;

ИМЖини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестицион муҳит жозибадорлиги ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эконометрик моделлар таҳлилини ўрганиш;

Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш;

инвестицион салоҳиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий вилояти эркин иқтисодий зонасининг инвестицион фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, корреляцион, регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарда инвестицион муҳит жозибадорлигининг бошқарув самарадорлиги даражасини инвестицион фаоллик ва жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари асосида рейтинг баҳолаш тизими таклиф этилган;

эркин иқтисодий зоналарда потенциал ва истиқболли инвесторларнинг «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг риск-менежмент стратегияси баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

маъмурий-иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқаришга қаратилган Зонал сиёсат концепциясига «макон инвестицион паспорти ва харитаси»ни киритиш орқали ташкилий жиҳатлари такомиллаштирилган;

инвестицион салоҳиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш асосида Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Навоий ЭИЗи инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришнинг амалдаги механизми таҳлили асосида унинг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити, давлатнинг эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш сиёсати ва иқтисодиётнинг очқлигини комплекс ҳисобга олувчи коэффицентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

инвестицион салоҳият ва инновацион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳолаш услубиёти таклиф этилган;

турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг ўрта ва узок муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги департаменти маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган ИМЖини баҳолаш мезонлари, уни бошқаришнинг замонавий тенденциялари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ИМЖ ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эконометрик моделлар, ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи тизимлаштирилган омиллар, эркин иқтисодий зоналарда потенциал ва истиқболли инвесторларнинг «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг риск-менежмент стратегияси, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини акс эттиришга хизмат қилувчи Зонал сиёсат концепцияси бўйича илмий тавсиялар ва услубий қоидалар республикамиздаги ЭИЗларида ИМЖини ошириш чора-тадбирлари дастурларини ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Навоий вилояти ИМЖини бошқаришни такомиллаштириш, инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳолаш ва эркин иқтисодий зоналарда инвестицион салоҳиятини акс эттиришга хизмат қилувчи мезонлар тизими ҳудудий ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда муҳим методологик манба сифатида хизмат қилиши, шунингдек, тадқиқот натижаларидан «Менежмент», «Инвестицион менежмент», «Стратегик менежмент», «Инвестицион лойиҳаларни бошқариш» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эркин иқтисодий зоналарда инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқарув самарадорлиги даражасини инвестицион фаоллик ва жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари асосида рейтинг баҳолаш бўйича таклиф Навоий вилояти ҳокимлигининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-04/1867-сон ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 03/14-02-10/10-3190 - сон

маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида вилоятга жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 2020 йилда 11,2 фоизга ошган;

эркин иқтисодий зоналарда потенциал ва истиқболли инвесторларнинг «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш асосида такомиллаштирилган риск-менежмент стратегияси Навоий вилояти ҳокимлигининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-04/1867-сон ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 03/14-02-10/10-3190 - сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида Навоий ЭИЗда фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг дирекция билан ҳамкорликдаги шартномани узайтириш ҳақида қўшимча аризалари сони 2020 йилда 16 фоизга ошган;

маъмурий-иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини самарали бошқаришга қаратилган зонал сиёсат концепциясига «макон инвестицион паспорти ва харитаси»ни киритиш орқали ташкилий жиҳатлари такомиллаштирилиши бўйича таклиф Навоий вилояти ҳокимлигининг Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-04/1867-сон ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 03/14-02-10/10-3190 - сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида Навоий вилоятидаги потенциал ва истиқболли инвесторларнинг янги иш ўринлари яратишдаги иштироки 11,4 фоизга, ўзлаштирилган инвестициялардаги иштироки 19,9 фоизга ошган;

инвестицион салоҳиятни барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш асосида Навоий вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 2025 йилгача прогноз кўрсаткичларидан Навоий вилояти ҳокимлигининг Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасида фойдаланилган (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-04/1867-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгилик Навоий вилоятининг 2025 йилгача бўлган ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан эътироф этилган республика журналларда 7 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялар тўпламларида 7 та маъруза тезиси нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобда инвестицион муҳит жозибadorлигининг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари, бошқаришнинг замонавий тенденциялари, инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўналишлари, эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион салоҳияти ва иқтисодий-ҳуқуқий мақоми масалалари ёритилган.

Инвестиция сиёсати ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Инвестицион жозибadorлик эса иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига қаратилган иқтисодиётга керакли миқдор ва сифатдаги инвестициялар кириб келишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар мажмуидир. Иқтисодий ривожланишни таъминлай олувчи капитални жалб этиш учун мамлакатда инвестицион муҳит мавжуд бўлиши ва уни бошқариш талаб этилади.

Тадқиқотда корхона даражасидан тортиб миллий иқтисодиёт даражасигача инвестицион фаолиятни бошқаришнинг пухта ўйланган, фундаментал назарияларини яратишга эҳтиёж юзага келиши асосланган. Инвестицион муҳит жозибadorлиги мамлакатга инвестициялар оқимини белгиловчи, таъминловчи, кафолатловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланувчи объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий асослар, воситалар, имконият ва чекловлар йиғиндиси сифатида ўрганилган.

Замонавий иқтисодиётда инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқариш бўйича икки хил ёндашув мавжуд: биринчиси, инвестицион салоҳиятни самарали бошқаришга иқтисодий фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларини қиёслаш орқали баҳо бериш бўлса, иккинчиси, бошқарув жараёни учун сарфланган маблағлар миқдорида бошқарув қарори, қонун ёки қарорларнинг «ишлаб чиқариш» харажатларида билвосита акс этиши ва унинг нисбатига кўра баҳо беришдир. Шу нуқтаи назардан, муаллифнинг фикрича, инвестицион салоҳиятни бошқариш йўналишларини тадқиқ этишнинг методологик ёндашуви 1-расмда тавсия этилган.



1-расм. Инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи бошқарув тизими¹

Инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминловчи инвестицион салоҳият,

¹ Муаллиф ишланмаси.

инвестицион салоҳият устунликлари ҳамда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи бошқарув тизими объект, жараён, муҳит ва лойиҳага оид детерминантлар асосида баҳоланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, муаллифнинг фикрича, инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этишнинг методологик ёндашуви инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминловчи инвестицион салоҳият, инвестицион салоҳият устунликлари ҳамда инвестицион салоҳиятни бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан асосланган.

Диссертациянинг **«Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришнинг амалдаги ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳоланишнинг илмий-услубий жиҳатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестицион муҳит жозибadorлигининг боғлиқлиги бўйича эконометрик моделлар таҳлили амалга оширилган, Навоий ЭИЗининг инвестицион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар самарadorлиги таҳлил қилинган, бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштиришга комплекс ёндашув амалга оширилган.


Республика минтақаларида инвестицион муҳит жозибadorлиги ва инвестицион сиғими ўзига хос хусусиятларга эгаллиги боис, минтақа инвестицион мавқеининг юқорилиги ҳамда мазкур кўрсаткичнинг барқарорлик даражасини таъминлаш ва самарали бошқариш учун изчил равишда унинг таркиби ва хусусиятларини тадқиқ қилиш лозим. Айниқса, инвестицион имконият ва инвестицион сиғим ўртасидаги мавжуд ўзгариш ва тафовутларни чуқур таҳлил қилиш асосида номутаносибликларни бартараф этишнинг илмий асосларини яратиш керак. Инвестицион циклининг бошланиши унинг реал ҳолати ва фаолияти натижаларини қамраб олувчи экзоген ва эндоген омиллар мажмуи ҳамда гетероним ҳолатларни ўз ичига олади.

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан республикада муҳим аҳамиятга эга. Вилоят республика иқтисодиётининг рангли металлургия, кимё, энергетика ва қурилиш саноати етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади.

Навоий вилоятига жалб этилаётган ялпи инвестициялар ҳажми республиканинг умумий инвестицияларидаги салмоғи 2010 йилда 11,1 фоизни ташкил этган бўлиб, бу тенденция 2016 йилгача пасайиб бориши кузатилган. Шунга асосан ишлаб чиқилган мақсадли дастурларнинг самарали амал қилиши тегишли салмоқ кўрсаткичларини сўнгги икки йил давомида оширишни таъминлаган. Натижада Навоий вилояти 2018 йилдан бошлаб, республикадаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича энг юқори инвестиция фаолликка эга вилоят сифатида қайд этилиб, бу тенденция 2020 йилгача сақланиб келган. Вилоятга Эркин иқтисодий зона мақоми берилиши натижасида 2020 йилда республикага жалб этилган чет эл инвестиция ва кредитларидаги улуш 13.1 фоизни ташкил этган (2-расм).

Вилоятда «Навоий» эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши минтақада жаҳон стандартларига мос ва дунё бозорларида ўз харидорига эга

юқори қўшимча қийматли товарлар яратиш, замонавий технологиялар орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берувчи лойиҳаларга инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга имконият яратган.



2-расм. 2010-2020 йилларда Навоий вилоятининг республика инвестицияларидаги улуши¹, %да


Статистик кўрсаткичлар таҳлиliga кўра, 2008-2020 йилларда «Навоий» ЭИЗ худудida амалга оширилган ва 2020-2021 йилларда режалаштирилган лойиҳалар, улардаги корхоналар сони, лойиҳалар қийматининг динамикаси таҳлили тасдиқлайдики, мазкур даврда 2020 йилгача ишга тушган лойиҳалар 45 та ёки жамига нисбатан 39 фоиз (45:114), корхоналар сони 31 та, жамига нисбатан 34 фоиз (31:91), лойиҳа қиймати эса, 241,6 млн. АҚШ доллар ёки жамига нисбатан 30,3 фоизни (241,6:798,2) ташкил этган.

2020-2021 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича эса мазкур кўрсаткичлар тегишли тарзда қуйидагича бўлган: ишга тушадиган лойиҳалар 69 та ёки жамига нисбатан 61 фоиз (69:114), корхоналар сони 60 та, жамига нисбатан 66 фоиз (60:91), лойиҳа қиймати эса, 556,6 млн. АҚШ доллари ёки жамига нисбатан 69,7 фоизни (556,6:798,2) ташкил этган.

Эркин иқтисодий зоналарда инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқариш вилоятнинг инвестицион жозибadorлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. ЭИЗларнинг дирекциялар томонидан инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш ва умумий бошқарув сифатини ошириш асосий йўналиш ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналар инвестицион муҳит жозибadorлигининг бошқарув самарadorлиги даражасини баҳолаш худудда шаклланган рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган инвестицион фаоллик кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш талаб этилади.

Муаллиф томонидан ЭИЗ дирекцияси инвестицион фаолиятни бошқариш тизимларининг умумий бошқарувига оид кўрсаткич ва мезонлари шакллантирилган (3-расм). Маълумки, республикадаги эркин иқтисодий зоналар рейтинги тизими асосида эркин иқтисодий зоналар дирекцияси томонидан инвестицион фаолиятни бошқариш ҳолатини аниқлаш имконияти мавжуд.

¹ Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.



3-расм. ЭИЗларда ИМЖни бошқариш самарадорлиги даражасини аниқлашнинг инвестицион фаоллик ва жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткич ва мезонлари¹

2021 йилнинг январь ҳолатига кўра республикада жами 22 та эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўлга қўйилган ва уларни ўзаро рейтингини тузиш асосида бошқарув самарадорлиги аниқлаб борилади. Рейтингни аниқлаш бўйича кўрсаткич (К) қиймати 3 та мезон асосида баҳоланиши асосланди. Унга кўра:

К1 – эркин иқтисодий зоналар дирекцияси фаолиятининг бошқарув самарадорлиги (эксперт баҳолаш). Баҳолаш жами 5 баллик тизим асосида 6 та

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мезон бўйича эксперт усулида аниқланади;

К2 – эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик даражаси. Баҳолаш жами 5 баллик тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 3 та мезонга кўра баҳоланади;

К3 – эркин иқтисодий зоналарга жалб этилган сармоянинг даромадлилик кўрсаткичлари. Баҳолаш жами 5 баллик тизимда кўрсаткичларни шкалалаштириш асосида 2 та мезонга кўра баҳоланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари бўйича танланган жами 11 та омилнинг аҳамиятлилиги бўйича Spearman даражасининг корреляция коэффицентлари $r(sp)$ ёрдамида ҳисоблаб чиқилди ва мутлақ баҳолаш шкаласи асосида даражаланди.

Spearman корреляция коэффицентлари $r(K)$ қуйидаги формула (1.1) асосида ҳисобланди:

$$r(X) = 1 - \frac{6 \sum X_n^2}{n(n^2-1)} \quad (1.1)$$

Бунда: $r(X)$ – ЭИЗлар бўйича умумий ўртача баҳолаш натажаларига ҳар бир ЭИЗ учун аниқланган натажалар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи Spearman корреляция коэффицентлари;

X – ЭИЗлар рейтингини аниқлаш бўйича танланган омиллар бўйича қабул қилинган қийматлар;

n – омиллар сони.

ЭИЗлардаги инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолаш бўйича Spearman корреляция коэффицентлари $r(K)$ бўйича рейтинг баҳолаш даражалари фаолият натижаларини аниқлаш ва рейтингини тузиш имконини берди:

А даража қониқарли ($-0,577 \leq r \leq 0$) – ЭИЗнинг мамлакатдаги инвестицион муҳит шаклланишига тескари боғлиқлигини акс эттиради;

В даража ўртача ($0 \leq r \leq 0,143$) – ЭИЗнинг мамлакатдаги инвестицион муҳит шаклланишига паст даражада боғлиқлигини акс эттиради;

С даража яхши ҳолат ($0,143 \leq r \leq 0,991$) – ЭИЗ мамлакатдаги инвестицион муҳит шаклланишига юқори боғлиқликни акс эттиради.

Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллик кўрсаткичлари Spearman корреляция коэффицентлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган рейтинг натижалари 1-жадвалда акс эттирилган.

Эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш натижаларига кўра, кўп йиллик тажрибага эга «Навоий» ЭИЗ, Сирдарё ЭИЗ зоналари энг юқори рейтингга эга бўлган бўлса, «Ангрен» ЭИЗ, «Ургут» ЭИЗ ва «Сирдарё-фарм» ЭИЗлар инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш бўйича ТОП-5таликдан жой олди. ЭИЗларнинг 50 фоизида бошқарув самарадорлиги яхши даража бўлиб, мамлакатда инвестицион муҳитни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшаётганлиги аниқланди. ЭИЗларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш даражаси 18 фоизида ўртача ва 32 фоизида қониқарли эканлиги аниқланди.

**Ўзбекистон Республикасидаги эркин иқтисодий зоналарда
инвестицияларни бошқариш тизимини баҳолаш натижалари**

| ЭИЗ номи | $\sum X$ | \bar{X} (умумий ўртача кўрсаткичи) | РЕЙТИНГ | |
|-----------------------------|----------|--------------------------------------|-----------------------|----------|
| | | | Кўрсаткичи $r(sp)$ | Даражаси |
| «Навой» ЭИЗ | 39 | 3,55 | 0,709 | С |
| «Чорвоқ» ЭТЗ | 30 | 2,73 | 0,150 | С |
| «Сирдарё» ЭИЗ | 33 | 3,00 | 0,991 | С |
| «Зомин-фарм» ЭИЗ | 24 | 2,18 | -0,577 | А |
| «Жиззах» ЭИЗ | 26 | 2,36 | -0,473 | А |
| «Ангрен» ЭИЗ | 29 | 2,64 | 0,518 | С |
| «Сирдарё-фарм» ЭИЗ | 22 | 2,00 | 0,373 | С |
| «Паркент-фарм» ЭИЗ | 27 | 2,45 | -0,086 | А |
| «Термиз» СЭЗ | 23 | 2,09 | 0,100 | В |
| «Бойсун-фарм» ЭИЗ | 26 | 2,36 | 0,086 | В |
| «Нукус-фарм» ЭИЗ | 29 | 2,64 | -0,441 | А |
| «Ҳазорасп» ЭИЗ | 25 | 2,27 | 0,132 | В |
| «Чирокчи» ЭИЗ | 23 | 2,09 | 0,364 | С |
| «Ургут» ЭИЗ | 25 | 2,27 | 0,364 | С |
| «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ | 21 | 1,91 | 0,027 | В |
| «Ғиждувон» ЭИЗ | 21 | 1,91 | -0,077 | А |
| «Наманган» ЭИЗ | 26 | 2,36 | -0,332 | А |
| «Косонсой-фарм» ЭИЗ | 28 | 2,55 | 0,195 | С |
| «Бухоро-агро» ЭИЗ | 26 | 2,36 | 0,286 | С |
| «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗ | 21 | 1,91 | 0,887 | С |
| «Қўқон» ЭИЗ | 24 | 2,18 | 0,277 | С |
| «Андижон-фарм» ЭИЗ | 20 | 1,82 | -0,323 | А |

Диссертациянинг учинчи боби «**Инвестицион муҳит жозибадорлиги: бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналиш ва истиқболлари**» деб номланиб, унда зоналарда инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятини барқарорлик кўрсаткичлари орқали бошқариш йўллари тадқиқ этилган.

Зоналарда – мамлакатда ЭИЗларни яратиш бўйича ҳудуд, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг имкониятини баҳолаб, бу имкониятни амалга ошириш, самарали бошқариш бўйича давлатнинг чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланди меҳнат тақсимооти ривожланишини режалаштиришнинг бир воситаси, мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз фойдаланилаётган соҳа, тармоқ ва ҳудудлардан самарали фойдаланиш имкониятига эга соҳа, тармоқ, ҳудудга йўналтиришга кўмаклашувчи восита сифатида ўрганиш зарур.

Мамлакатимизда инвестицион салоҳиятни модернизациялашнинг узоқ муддатли стратегиясига ҳамоҳанг бўлган инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепцияси (ЗСК)ни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади ва унда бош мақсад баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида инвестор ва зона дирекцияси ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган (2-жадвал).

Давлатнинг зонал сиёсати истиқболда инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш жараёнида, муаллифнинг фикрича, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: маъмурий-иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқаришга қаратилган Зонал сиёсат концепциясига «макон инвестицион паспорти ва харитаси»ни киритиш; ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестицион жозибadorликни оширишда тизимли чора-тадбирларни амалга оширишнинг «Йўл харита» сани ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Зонал сиёсат концепциясига «Макон инвестицион паспорти ва харитаси»ни киритиш натижасида қуйидагилар концепциянинг асосий йўналишлари этиб белгиланиши тадқиқот ишида изоҳланган: инвесторларнинг ЭИЗ дирекцияси билан ўз дастурлари ва инвестицион лойиҳаларида белгиланган вазифаларни тўлиқ ва самарали бажаришга асосланган талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш; самарали зонал сиёсатнинг давлат маъмуриятчилигини ташкил этиш ҳисобига баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш; иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инвестор ва тадбиркорлар учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш учун қулай, ишончли манфаатли ва барқарор инвестицион муҳит жорий этиш зарур.

Алоҳида қайд этиш лозимки, таклиф этилаётган инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид Зонал сиёсат концепцияси, аввало, мамлакатимизда инвестицион салоҳият модернизациясининг асосий мақсадига мувофиқ келади ҳамда баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш стратегик вазифаларни таъминлашга кўпроқ асосланиши лозимлигини тасдиқлайди.

Эркин иқтисодий зоналарда потенциал ва истиқболли инвесторларнинг «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг риск-менежмент стратегияси баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш орқали амалга ошириш мумкин. Маълумки, ҳозирги кунда инвестицион фаолият иштирокчилари ўз рақобатбардошлиги ва бозордаги барқарор ўрнини сақлаб қолиш мақсадида бирлашиш ва қўшиб олиш стратегияси бўлмиш – М&А стратегияларига мурожаат этишга мажбур бўладилар. Кўпинча (фақат ҳар доим ҳам эмас) мазкур механизм синергетик самара туфайли корхоналарнинг бирлашган гуруҳи уларнинг тарқоқ ҳолдаги майда-майда фаолиятига нисбатан устунлигига олиб келади.


**2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит
жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган
самарали тадбирларга оид зонал сиёсат концепцияси (ЗСК)¹**

| ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларга оид ЗСКнинг мақсади ва вазифалари | ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш бошқичлари тавсифи | Концепция вазифаларини амалга ошириш мезонлари | ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини таъминлаш шартлари | Концепция вазифаларининг амалга оширилиши ва ИМЖини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган самарали тадбирлардан кутилган натижа |
|---|---|--|---|---|
